Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 35 (5026).
12 ФЕВРАЛЬ 1983 й. ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

АЭРОФЛОТ—60 ЁШДА

Эртага Советлар мамлакати Аэрофлотнинг 60 йиллигини нишонлайди. Қуйидаги материаллар ана шу шонли воқеага бағишланган.

СУРАТДА: Тошкент авиакорхонасининг фахрий «Намунали экипаж» унвонига сазовор бўлган ТУ—154 самолётининг энг яхши экипажи аъзолари: (чапдан-ўнгга) иккинчи учувчи А. Д. Тошматов, командир С. М. Гринько штурман И. Н. Хурчаков ва борт инженери Т. И. Хашакбоев.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— ПОЙТАХТ ЮБИЛЕЙИГА

ИШЧИЛАР

МУСОБАҚА АВЖ ОЛМОҚДА

Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси чеварлари Тошкентнинг 2000 йиллик тўйини меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга аҳду паймон қилдилар. Цехлар, бригадалар, зарбдор чеварлар ўртасида социалистик мусобақа кун сайин авж олиб бормоқда. Юбилей йилида 67 хил кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади. Булардан 29 хили давлат Сифат белгиси билан тайёрланади. Умуман, беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида 27 миллион сўмлик маҳсулот элга тортиқ қилинади.

Попоп цехи қатнашчиларидан ўнта коммунистик меҳнат бригадаси тўрт йиллик планни сентябрга бажаришдек ибратли ишни ўз зиммасига олиб, қатъий интизомни кўтаришки кайфият билан иш олиб бормоқда. Фабриканинг ишбилармон мураббий бригада бошлиқларидан Сабоҳат Тоҳирова, Ўктам Давидова, Заҳро Иброҳимова, Марҳамат Пўлатова кабиларни алоҳида ҳурмат билан тилга олиш мумкин. Булар фабрикада тўрт йиллик топшириқни 2 минг йилликка бажариш ташаббускорларидир.

Илғор чеварлардан: Фарида Юнусова, Вазира Боқиева, Маъсуда Иброҳимова, Ноила Алимова, Нодира Хонтўраева каби юзлаб чеварлар юбилей кунигача шахсий 3,5 йиллик планларини бажаришга аҳд қилдилар. Корхонада юбилей олди вахтаси авж олиб бормоқда.

С. ИБРОҲИМОВ,
меҳнат ва уруш ветерани.

ҚИШЛОҚ ЗАРБДОРЛАРИ СЛЁТИ

БУГУН

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида қишлоқ хўжалиги ва илғорларининг анъанавий область слёти бўлиб ўтди. Унда қишлоқ ёш зарбдорлари, социалистик мусобақа илғорлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари, ёшларнинг мураббийлари қатнашдилар.

Слёт қатнашчилари комсомол-ёшлар бригадаларининг ўтган йилги иш якунларини кўриб чиқдилар ва 1983 йил вазифаларини белгилаб олдилар.

ДЕПУТАТ КУНИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг катта мажлислар залида Депутат куни бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг унда сўзлаган нутқи талаблари асосида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда депутатларнинг роли тўғрисида шаҳар прокурори Ғ. Б. Бухоров доклад қилди.

СССР Министрлар Советининг аҳолига хизмат қилувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иш режимини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан қарори асосида Тошкентда маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи С. И. Исаев сўзлади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

☆ **Энергия ва уни ҳосил қилиш манбалари — XX асрнинг бебаҳо хазинасидир. Айни шу боисдан ҳам партия ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни чуқур, асосли равишда, ишчанлик билан кенг кўламда ўртага қўйиб ҳал этмоқда. 11 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган республика кенгашининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган қондалар ва хулосалар асосида республика халқ хўжалигини энергия билан таъминлашни яхшилаш, ёқилғи қазиб чиқариш ва электр энергия ҳосил қилиш, янги энергетика қувватларини ишга тушириш планлари бажарилишини таъминлаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва уларни тежаш йўлларини кўриб чиқдилар.**

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб кенгашни очди.

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳ. Ҳамидов доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири В. С. Фролов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин кенгашда нутқ сўзладилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, шунингдек СССР энергетика ва электрлаштириш министрининг биринчи ўринбосари А. Н. Макухин иштирок этдилар.

Кенгаш ҳақидаги батафсил ҳисобот тонгги газеталарда эълон қилинган.

БИЗ—ВАТАНПАРВАР-ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

Халқларнинг интернационал дўстлиги — бу маданиятларнинг ўзаро бир-бирини бойитиши, тўпланган тажриба ва билимларни ўртоқлашишдир. Тошкентни қардош республикалар, жаҳондаги мамлакатлар билан минглаб мустаҳкам ишлар боғлаб турибди. Тошкент корхоналарининг маҳсулотлари чет элларда ҳам машҳурдир. Пойтахт ижодий ходимлари турли мамлакатларга тез-тез бориб туришибди. Тошкент олий ўқув юртларида, ер курраси-нинг турли бурчакларидан келган юзлаб студентлар таълим олмоқдалар. Бунда давримизнинг энг ёрқин белгиси намоён бўлмоқда.

ТОШКЕНТ — МАМЛАКАТГА ВА ЖАҲОНГА

ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАБ

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинасозлари махсус иссиқ иқлим шароитларида ишлатиш учун мўлжалланган кўрак чувиш машиналарини йиғиш учун деталлар ва узелларни комплектлашга киришдилар. Ушбу пахтани дастлабки тозалашда қўлланиладиган ниҳоятда самарали машиналар шу йилнинг март ойида Ангола, Никарагуа ва Болгарияга жўнатилади.

Қардош ривожланаётган мамлакатларга замонавий техника етказиб бериш соҳасидаги ўз интернационал бурчларини шараф билан бажараётган тошкентлик машинасозлар фақат ўтган йилнинг ўзида ўнлаб мамлакатларга пахтачилик учун мўлжалланган жуда кўп трактор сеялкаларини, кўрак чувиш машиналарини, тупроққа гербицидлар сочувчи мосламаларни жўнатдилар. Мозамбикка 109 та сеялка ва 25 та кўрак чувиш машинаси етказиб берилди. Кампучия Халқ Республикасига ҳам «Узбексельмаш» маркаси туширилган кўплаб техника жўнатилди.

Мамлакатимизнинг пахтакор республикаларида яқинлашиб келаётган чигит экиш компаниясига қизғин тараддуд кўрилмоқда. Шу муносабат билан бирлашма коллективи шу кунларда айниқса ғайрат билан меҳнат қилаяпти. Озарбайжон ва Қозоғистон учун мўлжалланган трактор сеялкаларини етказиб бериш икки ойлик плани муддатидан илгари бажарилди.

Қардош Туркманистонга юздан зиёд чигит экиш агрегатлари жўнатилди.

«ДЎСТЛИКНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ»

Навоий номли Ўзбекистон Давлат кутубхонасида очилган «Дўстликнинг йигирма йиллиги» виставкасида Куба адабиёти, шу мамлакатга бағишланган китоблар намойиш этилмоқда. Кутубхона билан Гавана университети биринчи мулоқотларни ўрнатган пайтдан буён орадан шунча йил ўтди. Бугунги кунда Тошкент китоб хазинаси жавонларида халқ республикасининг тарихи, географияси, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти масалаларига доир тўрт минг томдан кўпроқ китоб қўйилган.

Кутубхона ўз фондларида Куба тўғрисидаги нодир китоблар ҳам сақланаётганлиги билан фахрланади. Шу орол тўғрисидаги энг кўҳна китоблардан бири — 1746 йилда Амстердамда нашр этилган «Марказий ва Жанубий Америка мамлакатларига қилинган саёҳатлар тавсифи» китоби шулар жумласидандир. Бу ерда машҳур табииётшунос Александр Губмольдтнинг «Жанубий ва Марказий Америка бўйлаб саёҳат» номли китоби ҳам бор. Шу китобнинг икки томлик тўплами 1859 йилда нашр этилган эди. Суратларга бой бўлган, мамлакатнинг тарихи тўғрисидагина эмас, шу билан бирга экономикаси, маданияти тўғрисида ҳам ҳикоя қилувчи «Тарих атласи» қизиқарлидир. Буларнинг ёнида Николас Гильен шеърларининг олти томи кўйилган. Яқинда жаҳон жамоатчилиги революция куйчиси, ўз ватани озодлиги учун курашчи шу шоир туғилган кунининг 80 йиллигини кенг нишонлаган эди.

Кутубхонада Куба тўғрисида ўзбек тилида нашр этилган адабиёт — Куба авторларининг «Жиноят такрорланмайди», «Халқ қиссалари» номли ҳикоялари тўплами, СССР халқ артисти Бернора Қориеванинг «Озодлик оролида» очерклари бор.

С. ФРОЛОВА.
(ЎзТАГ).

МАКТАБДА НАВОИЙХОНЛИК

Шаҳримиздаги 165-мактабда навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди. Ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк мутафаккир Алишер Навоий туғилган куннинг 542 йиллигига бағишланган бу кечага Собир Раҳимов районидаги кўпгина мактабларнинг ўқувчилари меҳмон бўлиб келишди.

Кечада иштирок этган В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети профессори, филология фанлари доктори М. Саидов, филология фанлари кандидати, доцент Ҳ. Муҳаммадхўжаев ва бошқалар геннал шоир ижодининг турли қирралари, унинг асарларида кўтарилган проблемалар ва бу асарларнинг бугунги кун учун аҳамияти ҳақида гапирдилар.

С. Раҳимов районидаги 24, 28, 234 ва 165-мактаблари и н г ўқувчилари Алишер Навоий ҳаётини акс эттирувчи драматик лавҳалар кўрсатдилар, шоир асарларидан ўқидилар.

Ҳ. ШОДИЕВ.

РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Республика қўғирчоқ театри фойесида театрнинг бош рассоми, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Вениамин Акудиннинг «Саёҳатлар, гастроллар, таассуротлар» деб номланган акварелли кўргазмаси очилди.

«Бирма—72», «Хиндистон—77», «Ўзбекистон—79», «Кобул—80», «Болгария—82» белгилари қўйилган акварелли манзаралар, меъморчилик ёдгорликлари рассомнинг тасвирий кундалигидан олинган ёрқин, жозибали саҳифалар бўлиб, улар В. Акудин театрнинг ижодий коллективи билан сўнгги ўн йил давомида бўлган ерлар, жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб ўтган учрашувлар, уларнинг табиати ҳақидаги ўзига хос ҳикоядир. Ёрқин бўёқларда тасвирланган кишилар ва табиат манзаралари акс этган ҳар бир экспонатнинг ўз ажойиб тарихи бор. Театр меҳмонларига кўргазмани намойиш этар экан рассом ана шулар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беради.

О. АПУХТИН.

* * *

СУРАТЛАРДА: кўргазмага қўйилган экспонатлардан намуналар.

Автор фотоси.





МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛЛАРИ

В. Ф. КОЛОКОЛЬЦЕВ,

Узбекистон Граждан авиацияси бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг ҳаво лочинлари ва барча меҳнатчилари Аэрофлот юбилейи ва ўзларининг анъанавий байрамларини аъло кайфият билан кутиб олишмоқда. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган ютуқлари учун бошқармамиз коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Социалистик мусобақанинг олдинги сафида кўплаб тошкентлик ҳаво лочинлари ҳам боришмоқда. Масалан, учишларни машқ қилиш ўқув бўлинмаси командири ўринбосари Вячеслав Павлович Августов, Тошкент авиакорхонаси борт проводниги Венера Ахмедовна Бикинова, Тошкент аэропорти бошлиғининг смена бўйича ўринбосари Владимир Алексеевич Дронов ва бошқаларнинг номлари Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг Ҳурмат тахтасига ёзилган. Бошқармамизнинг етакчи касб ходимлари, экипажлари, смена ва бригадалари ҳам КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун мунтазам кураш олиб боришмоқда, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга эришиб, плантопшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишмоқда. Мусобақа пешқадамлари бўлган кўплаб коллективларга «Энг яхши коллектив» деган ном берилган. Улар орасида Тошкент авиакорхонасининг С. Қодиров командирлик қилаётган «ИЛ—62» самолёти экипажи, Сергели авиакорхонасининг А. Сафонов командирлик қилаётган «МИ—8» вертолёти экипажи, А. Бозоров бошлиқ махсус автотранспорт ҳайдовчилари бригадаси бор.

Эртага биз Аэрофлотнинг 60 йиллик юбилейини нишонлаймиз. Бу энг йирик авиация ташкилоти ўз тараққиётида катта ва шонли йўлни босиб ўтди.

Олис 1921 йилдаёқ Шарқ меҳнаткашлари эътиборини қудратли Ҳаво флотини яратишга қаратиб, ёш советлар республикаси 2,5 минг километрга яқин масофани ўз ичига олган Полторацк, — Ашхобод — Керки — Термиз маршрути бўйича ўша даврнинг энг йирик авиация учишини амалга оширган эди. Бу ҳаво сафари ўша давр учун рекорд муддат — беш кун ичида босиб ўтилди. Шу фактнинг ўзиёқ вайронгарчилик ва очлик давом этаётган гражданлар уруши алангаси ҳали сўнмаган бир пайтдаёқ Коммунистик партия авиацияни тараққий эттиришга шу жумладан, собиқ миллий округлар территорияларида ҳаво ҳаво йўллари ташкил этишга қанчалик муҳим аҳамият берганлигини яққол ифодалаб турибди.

Йиллар худди самолётнинг борт журнали саҳифалари каби Ўзбекистон пойтахтидан Олмаота, Душанба, Термиз ва Хивага мунтазам учишлар бошлаган йилларни жуда яхши қайд этган. 1929 йили ана шу ҳаво йўлларида минг йўловчи, 200 килограмм почта ва бир неча тонна юклар ташилган эди. Бу кўрсаткич Тошкент аэропорти ҳозирги кунда бажараётган бир кунлик ишдан ҳам 10 баробар кам эди.

Бугунги кунда Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг ҳаво йўллари масофаси 150 минг километрдан зиёдни ташкил этади. Ҳар йили самолётларимиз томонидан 5,5 миллионга яқин йўловчи, кўп миқдордаги тез етказиб берилиши лозим бўлган халқ хўжалик юклари ва почталари ташилмоқда.

Ўзбекистон граждан авиациясининг йил сайин аниқ маромда ўсиб бораётганлиги бошқармамизнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини ошириш имкониини бермоқда. Ҳозирги пайтда у 500 миллион сўмни ташкил этади.

«ИЛ—86» аэробусини ўзлаштириш ва республикамизда граждан авиацияси тараққиётида сифат жиҳатидан ҳақли равишда янги закраш бўлди. Тошкент—Москва трассасида уча бошлаган «ИЛ—86» аэробусига 1980 йилдан буён граждан авиацияси Москва транспорт бошқармаси экипажлари хизмат кўрсатиб келаётган эди. Улар эндиликда ана шу эстафетани тошкентлик ҳаво лочинларига топширишди. Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг коллективи ва барча хизмат бўлинмалари ана шу янги, қудратли машиналарга эга бўлиш олдидан жуда катта тайёргарлик ишларини амалга оширдилар. Дастлабки уч экипажга энг яхши учувчилар, штурман ва бортинженерлар тавсия этилди. Бу борада учиш бўлинмаси командири СССРда хизмат кўрсатган учувчи Владимир Даниловичнинг хизматлари жуда катта. Айни пайтда бортпроводниклар бригадаси ҳам аэробусга хизмат кўрсатишни яхши ўзлаштириб олди.

Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги ва ёрдами туфайли амалга оширилди. КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари, КПСС Марказий Комитети ва СССР Ҳукуматининг 1981 — 1985 йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврда граждан авиациясини янада тараққий эттириш тўғрисидаги қарори барча меҳнат коллективларимиз ташаббускорлигига янги кучқудрат бахш этди.

Бугунги куннинг асосий шиори энг юксак даражада уюшганлик ва амалийликка эришишдир. Бу плантопшириқларни оғишмай бажариш, ҳар бир ишлаб чиқариш звеносида аниқ меҳнат мароми, қатъий интизом ва масъулият бўлишини кўзлаш ишни тежамли олиб бора билиш ҳамма жойда ва ҳар қачон энг юксак натижаларга эришишни назарда тутиш демакдир. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, 1983 йил планларининг муваффақиятли бажарилиши беш йиллигининг умумий планлари муваффақиятли амалга оширилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Биз ушбу беш йилликда ўзимизнинг самолётлар паркимиз ҳисобига 43,3 миллиард йўловчи-километр иш бажаришимиз лозим. Бу ўтган беш йилликдагига қараганда 1,28 баробар кўпдир. 1985 йилга бориб 6,5 миллион гектар қишлоқ хўжалик далаларига ҳаводан туриб ишлов бериш кўзда тутилмоқда.

Бунинг учун хўжалик фаолиятимизни янада яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ўстиришга эришиш, социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдириш тақозо этилади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БОШ ВИСТАВКАСИДА

КАТТА ЗАФАРЛАР БИЛАН

Эртага аэрофлот куни. Республикамиз ҳаво лочинлари ўзларининг касб байрамларини қурувчиларга, ирригаторларга, қишлоқ хўжалиги ишчиларига катта ёрдам кўрсата туриб ижодий ютуқларга эришган ҳолда меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқдалар.

Шу кунларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг асосий павильонига марҳамат қилган киши авиаторларнинг жўшқин фаолияти билан батафсил танишади. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг республика шаҳарлари ва районларидаги корхонаси, ташкилоти, бўлинмаси СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақанинг ғолиблари деб топилди.

Авиаторларимизнинг шу кунлардаги қизғин фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи бўлим экспонатлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, «АН—2» самолёти командири Г. Цховребов ва беш йиллигининг бошқа гвардиячилари олиб бораётган ишлари билан яқиндан таништиради. Бу ерда Ўзбекистон ҳаво йўлларида мунтазам қатнаб турган «АН—22», «ТУ—134» маркали юк ва пассажир ташувчи самолётлар акс эттирилган рангли суратларни тамоша қилиш мумкин. Бундан ташқари рангли слайд барча Ўрта Осиё республикалари ва айрим чет эл мамлакатлари самолётлари қўниб ўтадиган Тошкент аэропортининг гўзал биноси билан таништиради.

АВИАТОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Аэрофлот куни арафаси, 11 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида граждан авиацияси ходимларидан катта бир группасига давлат мукофотлари топширилди. Улар пассажир ва юк ташиш планларини бажаришда, халқ хўжалигида авиацияни қўллашда, кадрлар тайёрлашда ва янги авиация техникасини ўзлаштиришда эришган муваффақиятлари учун шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси «ИЛ—62» кемасининг командири Ю. А. Бригадиренкога Ленин ордени топширилди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Халқлар дўстлиги ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, иккинчи ва учинчи даража Меҳнат Шуҳрати орденлари, СССР медаллари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев топширди.

(ЎзТАГ).

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Кеча Темирйўлчилар маданият саройида шаҳар жамоатчилиги вакиллари Аэрофлотнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишга тўпландилар. Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг бошлиғи, СССРда хизмат кўрсатган учувчи Ғ. М. Рафиқов «СССР граждан авиацияси 60 ёшда» мавзуида доклад қилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи бошланғич партия ташкилотининг кенгайтирилган очиқ партия мажлисида коммунистларнинг, республикамиз барча адабиётчиларининг партия, давлат ва меҳнат интизомига риоя қилиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича вазифалари, асарларнинг ғоявий-бадиий савиясини юксалтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов доклад қилди. Докладчи КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг С. Оржоникидзе номидаги станоксозлик заводи ишчи ва хизматчилари билан учрашуви, партия ва ҳукуматнинг партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ҳужжатларининг жуда катта аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарори ана шу йўналишда республика коммунистлари, барча меҳнаткашларига аниқ фаолият программасини кўрсатиб берди. Докладда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзига қарашли бўлган барча муассасаларнинг коллективлари иш савиясини янада оширишнинг мавжуд резервлари батафсил таҳлил қилинди.

Музокараларда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Одил Ёқубов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Эркин Воҳидов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Қўшжонов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси А. Удалов ва республикамизнинг бошқа таниқли сўз усталари иштирок этдилар.

Қабул қилинган қарорда партия, давлат ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш ва уни мустаҳкамлаш, яратилаётган асарларнинг ғоявий-бадиий савиясини ошириш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди.

• *КПСС XXVI съезди қарорлари—амалда*

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ПАРТКОМ ВА МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

Пойтахт меҳнат коллективларида москваликларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ҳаракати кенг қўллаб-қувватланди. Ана шу асосда меҳнатни ташкил этишни қатъий яхшилаш, хўжасизликка қаршн кураш, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини бузувчиларга қаршн курашни кучайтириш бўйнча кўпгина ишлар қилинмоқда. Партия XXVI съезди қарорларини изчил бажариш, москваликлар ташаббусини амалда кенг ёйиш партия комитетларининг диққат-эътиборида турибди.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитети секретарининг ўрнибосари И. НОРМАТОВ махсус мухбиримиз билан бу мавзудаги суҳбатни шундай сўзлар билан бошлади.

— Интизом... Ҳеч вақт бу масала ҳозиргидек муҳим аҳамият касб этмаган эди. Москваликлар бунда меҳнат унумдорлигини оширишнинг ютуқларни кўпайтиришнинг жуда катта резервини ўз вақтида илғадилар. Мана, шаҳримиз корхоналари сингари бизнинг заводимизда ҳам бу ватанпарварлик ҳаракати кенг тус олиб кетди. Маълумки, Тошкент шаҳар партия комитети бюроси москваликлар бошлаган ҳаракатга қўшилиб ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар олган илғор меҳнат коллективларининг ташаббусини маъқуллади. Ўнда ташаббусни ҳар томонлама кенг ёйиш, масъулият ва интизомни доимо ошириш, ўзаро талабчанлик вазиятини яратиш ва бошқа муҳим вазифалар қўйилди. Ана шу асосда барча цех, бўлимларда биз ҳам зарур тадбирлар ишлаб чиқдик. Москваликлар ташаббусига бағишланган йиғилишларда коммунистлар, ишлаб чиқариш илғорлари актив қатнашдилар. Уларда бутун корхона бўйича ишларни янада жонлантиришга қаратилган қимматли таклиф-лар билдирилди. Корхонанинг шонли меҳнат анъаналарини бундан буён ҳам изчил давом эттиришга қаратилган мулоҳазалар айтилди.

Яқинда корхона партия комитетида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этиш масаласи жиддий муҳокама қилинди.

— Сир эмас, интизомни мустаҳкамлашга қаратилган мажлислар кўп бўлади. Корхона партия комитети ўтказган бу йиғилишнинг бошқаларидан фарқи нимада?

—Биз парткомда ўзаро маслаҳатлашиб, навбатдаги анжуманни бошқачароқ қилиб ўтказдик яъни меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини яхши йўлга қўйган, меҳнатни оқилона ташкил этган якорь цехи иш тажрибасини очишдан бошладик. Бу цехга моҳир ташкилотчи, ишнинг кўзини биладиган Аркадий Иванович Ткаленко бошчилик қилади. Анатолий Васильевич Бажанов эса цех партия ташкилотига етакчилик қилмоқда. Цехда бу борада иш яхши йўлга қўйилгани туфайли 1981 йилга нисбатан ўтган йили прогуллар сони 300 ишчи-куни камайди. Натижада товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 16 процент ошди. Ҳар ишчининг меҳнат унумдорлиги аввалгига нисбатан бир мунча кўпайди. Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 240 сўмни ташкил этди. Бу ютуқларга қандай қилиб эришилаётгани ҳақида цех бошлиғи ва партия ташкилотининг етакчиси муфассал сўзлаб беришди.

Шундан сўнг тепловоз цехидаги иш таҳлилига ўтдик. Афсуски, бу ерда ишлар шу куннинг талаблари даражасида ташкил этилмаган. Масалан, ўтган йилнинг ўзидагина 2025 ишчи-куни бой берилган. Бу — 65 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилмади, деган сўз. Бир йилнинг ўзида 121 киши ишга қабул қилиниб, шунча киши ишдан бўшатилган. Кадрлар қўнимсизлигининг авж олгани, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг пастлиги туфайли шундай бўлган. Бунинг сабаблари атрофлича очиб ташланди. Шунингдек 2-механика цехидаги ишлар аҳволи ҳам ғоят батафсил, жиддий таҳлил этилди. Буни қарангки, цехда ҳар бир ишчи ўртача 2 минг сўмлик маҳсулотни кам берган. Бу прогул, меҳнат интизомини бузиш оқибатидир!

Албатта, бундай ҳол тўпланганларни мавжуд камчиликларга барҳам бериш йўлларини тезроқ излаб топиш, муҳим тадбирлар белгилашга даъват этди. Шундай қилинди ҳам. Халқимизда томатома кўл бўлур, деган нақл хўп ўйлаб топилган. Илгари ҳар куни ишга 10—15 минутдан кечикиб келган ишчилар меҳнат интизомига қатъий риоя қила бошлаган биринчидан вақтдан ютишса, иккинчидан бошқа цех, участкалар ишининг бир маромда боришига кўмаклашишяпти, учинчидан умуман корхона ютуқларининг кўпайишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

— Бунда партия комитети қандай воситаларни ишга соляпти?

— Интизомни мустаҳкамлашда партия комитети касаба союз ва комсомол комитетлари, ўртоқлик судлари, халқ контроли группалари, «Комсомол прожектори»дан самарали фойдаланишга интилмоқда. Ўртоқлик судлари ҳамда жамоатчилик асосидаги кадрлар бўлими бу борадаги ишларни активлаштирдилар. Тепловоз цехи партия бюросининг секретари А. Комилов ва 2-механика цехи партия бюросининг секретари В. Лим ўртоқлар партия комитети белгилаган тадбирларни изчил амалга ошириш учун курашмоқдалар. Ҳамма цехда коммунистлар масъулиятини янада ошириш, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, коммунистларнинг етакчилик ролини кучайтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

— Бригада усулигачи?

— Шуни айтиш керакки, меҳнатни ташкил этишнинг бу усули интизомни мустаҳкамлашнинг энг оқилона тадбиридир. Бизда намунали ишлаётган шундай бригадалар бор. В. Холен, Р. Иноятовлар бошчилик қилаётган бригадалар бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Ҳозир асосий эътибор бу борадаги ижобий тажрибаларни кенг ёйиш, йўл қўйилаётган нуқсонларнинг сабабларини туб-тубигача очиб ташлашга қаратиляпти. Бу йўл ўзини оқлаяпти. Ҳозир 36 та ана шундай бригада ишлаб турибди. Йил охиригача 70 тага етказилади. Бошқача қилиб айтганда, жами ишчиларнинг 50 процента меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулига жалб этилади.

Яна бир тадбирни амалга ошяпмиз. Ҳар бир цехнинг бир кунлик иши муфассал таҳлил этиляпти. Ҳозиргача тепловоз, якорь, 2-механика цехларида шундай қилдик. Бу эса интизом ҳақидаги умумий гаплардан конкрет, амалий ишга ўтишга ёрдам бермоқда. Шунингдек цехларда оператив планлаштириш амалга оширила бошланди. Тепловоз, дизель, ғилдирак, электр-машина цехларида бу дастлабки самараларини беряпти.

— Партия комитети жойлардаги ишнинг аҳволини ана шундай чуқур ўрганса, тегишли аниқ тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширсагина иш самарали бўлиши мумкин. Гапдан ишга ўтишнинг моҳияти ҳам ана шунда. Бунда коммунистларнинг етакчилик роли ҳақида нима дейсиз?

— Ҳар қандай ташаббусни ёйишда, мавжуд нуқсонларга барҳам беришда биз асосан коммунистларга таянамиз. Н. Железнов, А. Ғуломов, Ю. Тарасенко, С. Павлов ва бошқа кўплаб коммунистлар партия XXVI съезди қарорларини амалга оширишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Эндиликда коммунистлар ҳам, барча ишчилар ҳам меҳнат ва ишлаб чиқаришни интизомини мустаҳкамлашни конкрет самараларини яққол кўриб туришибди. Табийки, бу коллективни ўзининг шонли анъаналарини янада изчил завом эттиришга даъват, этади, Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олишга чорлайди.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

Комсомолчилар саҳифаси

КПСС XXVI съезди комсомолнинг бош вазифаси сиёсий актив, ўз ишини яхши биладиган, меҳнатсевар, ҳамиша она-Ватан ҳимоясига шай кишилар авлодини шакллантиришга ёрдам беришдан иборатлигини белгилаб берган эди.

Студентлар, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари ёшларнинг жанговар, актив отрядларидан биридир. Бугунги кунда Тошкентда уларнинг сони 120 мингдан кўпроқдир. Улар юксак маданнятли бўлиб, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив иштирок этишга интилмоқдалар.

Тошкент ўқув юртларининг кўпгина комсомол ташкилотларида комсомол-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини янада ошириш, уларни яхши ўқиш учун юксак масъулиятни ҳис қилиш, социалистик турмуш қондаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан катта иш олиб бориляпти.

Бугун «Тошкент комсомоли» туркум материаллари шаҳримиз студентлари, техникум ва билим юртларининг студентлари олиб бораётган ишларга бағишланади, ўқиш ва меҳнат фаолияти билан партиямиз қарорларини бажаришга улар қўшаётган муносиб ҳисса ҳақида гап боради.

Билим чўққиларига интилаётганлар.

В. Соколов фотоэтюди.

ИШЛАР ҚАЛАЙ, СТУДЕНТ?

ФАҚАТ АЪЛО ЎҚИШАДИ

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ташкил этилганидан буён ўтган эллик йил ичида тўқимачилик, енгил, пахта тозалаш, химия ва машинасозлик саноати тармоқлари учун инженер кадрлар тайёрлашда мамлакатимизнинг энг йирик олий ўқув юртларидан бирига айланди. У Совет Шарқида тўқимачилик фани ва техникасини ривожлантириш марказларидан бири, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ўчоғи бўлиб қолди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифати студент-ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг форма ва методларига бевосита боғлиқдир. Институтда тузилган план асосида уларда маркча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, интернационал, меҳнат, ҳарбий-ватанпарвларлик, эстетик ва жисмоний тарбиялашнинг ранг-баранг форма ва методларидан фойдаланиляпти. КПСС ва совет халқининг революцион, жанговар анъаналари руҳида тарбиялашга, студентларни актив ижтимоий ҳаётга жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Студентлар илмий ишга тобора кўпроқ жалб этилмоқда. Москва, Киев, Иваново ва бошқа шаҳарлардаги институтлар, турдош олий ўқув юртларидаги илмий конференцияларда студентлар олиб бораётган тадқиқотлар натижалари маълум қилинмоқда. Студентларнинг илмий ишлари Бутуниттифоқ конкурсларида кўпгина яхши баҳоларга сазовор бўлди. Беш йил ичида 62 судент Бутуниттифоқ ва республика конкурсларининг диплом ва ёрлиқларига сазовор бўлишди.

Кейинги саккиз йил ичида институт пахта йиғим-терим мавсумида олий ўқув юртлари ўртасидаги социалистик мусобақада совринли ўринларни эгаллаб келди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланиб келди. Мамлакат олий таълим министрлиги ва касаба союзлари Марказий Комитети мукофоти ва ёрлиқлари билан тақдирланди.

1982 йил 23 декабрь куни тантанали равишда институтга ватанимизнинг мукофоти— Халқлар дўстлиги ордени топширилди. Институтнинг бу орден билан мукофотланиши партия ва ҳукуматимизнинг олий таълим, фан ва маданиятни янада ривожлантириш тўғрисидаги муттасил ғамхўрлигининг яна бир далилидир. Институт комсомол-ёшлари бу юксак мукофотдан руҳланиб, қадрдон Тошкентнинг 2000 йиллиги юбилейини аъло ўқиш, самарали илмий фаолият билан кутиб оладилар.

Р. ТУРОБОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти комсомол комитетининг секретари.

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкентдаги 5-техника билим юрти комсомол комитетининг навбатдаги йиғилишида 1983 йили учун группаларнинг ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятлари муҳокама этилди. Барча группаларнинг ўз имкониятларини кўриб чиқиб, анча юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишгани қувончлидир. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига авж олган социалистик мусобақада «СССР 60 йиллигидаги группа» ўқувчилари ҳам ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, билим юртида ўз касбининг устаси, энг яхши кабинет, энг яхши цех номини олиш учун мусобақалар, зарбдор ҳафталиклар ўтказиш ва бошқа шу сингари формалар янги муваффақиятларнинг гарови бўлмоқда.

1983 йилда 9-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари анъанага кўра фақиятларнинг гарови бизни социалистик мусобақага чақирдилар.

Ўзаро текшириш бригадалари ҳар кварталда мусобақа якунларини чиқаришяпти. Мусобақа кенг тус олгани туфайли бундай тажриба алмашиш ҳар икки коллективга яхши натижаларга эришиш имконини бермоқда.

«Биз Ленин ишига содиқмиз, садоқатли дўстлигимиз билан кучлимиз» шиори остида ҳар бир устахонада группалар ўртасида мусобақалар ташкил этилган. СССР 60 йиллиги шарафига мусобақасида В. Черезова, Т. Фетеева мураббийлик қилаётган 45-группа ўқувчилари ғолиб чиқишди. 38, 41, 42, 73-группаларга «СССР 60 йиллиги номидаги группа» номи берилди.

Билим юртида шахсий мусобақага ҳам катта эътибор бериляпти. Ҳар бир ўқувчи шахсий комплекс план қабул қилган. Ленинча зачётларда иштирок этиш ўқувчиларни ўз бурчларига, машғулотларга жиддий ёндошишига, бўш вақтдан унумли фойдаланишга даъват этмоқда.

Ишлаб чиқариш таълими мастерлари К. Сифинолупова, К. Запертова, Б. Шимонова, ўқитувчи Е. Глушченко сингари ўттиз йилдан кўпроқ билим юртида ишлаб келаётган ветеранларимиз ўқувчиларга катта ғамхўрлик билан қарамоқдалар. Билим юртимизнинг 1981—1982 ўқув йилида енгил саноат корхоналари учун малакали кадрлар тайёрлашда Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра яхши натижаларга эришишганлигидан учинчи ўринни эгаллаб, учинчи даражали диплома сазовор бўлишида уларнинг хизмати каттадир.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг кўчма Қизил байроғи билим юртимизга берилгани СССР 60 йиллигига яна бир ажойиб совға бўлди.

Ҳозир Тошкентнинг 2000 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг тус олиб кетди. Барча группадаги ўқувчиларимиз «Юксак маданиятли группа» ва «Группа — коммунистик меҳнат бригадаси резервидир» номини олиш учун мусобақага актив қўшилганлар.

С. ЕГИЯНЦ.
5-техника билим юрти комсомол комитетининг секретари.

ТАЛАБЧАНЛИК—МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Ҳар йили Тошкент гидромелиорация техникумини 350 дан зиёд йигит ва қиз битириб чиқмоқда. Улар техник-механик, гидротехник, техник-электромеханик касбларини эгаллашяпти. Ёш мутахассислар республикамиздагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам муваффақиятли ишламоқдалар. Бугунги кунда мутахассислар тайёрлашга талаб ниҳоятда юксак. Таълим ва тарбияга комплекс ёндошиш лозим. Бироқ, ҳар қандай материални ўзлаштириш аввало юксак интизомга боғлиқ.

Комсомол комитети олдида бу борада жиддий вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида сўзлаган нутқида партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай оқсилишига қарши қатъий кураш олиб бориш лозимлигини таъкидлаган эди. Техникумимиз комсомол ташкилоти ўзининг бутун куч-ғайратини интизом ва уюшқоқлигини қатъий мустаҳкамлашга, комсомол-ёшларни ўқув программасини тўла ўзлаштириш, тўгаракларда қатнашишга, ишлаб чиқариш практикасидан оқилона фойдаланишга сафарбар этмоқда. Комсомол комитети партия, касаба союз ташкилотлари, педагогик коллектив билан биргаликда ҳар бир ўқувчида масъулият ҳиссини кучайтириш, ўзига ва ўртоқларига талабчанлик кўрсатиш, иш сифатига эътибор бериш туйғусини тарбиялашга интилмоқда.

Мана шу мақсадда техникумнинг комсомол группаларида «Партия қарорларига ташаббус ва маҳорат билан, ёшларнинг юксак уюшқоқлиги ва интизоми билан жавоб берамиз» кун тартиби билан ана шу масалага бағишланган комсомол йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда ўтган семестр якунланди. Ўқув интизомини мустаҳкамлаш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди. «Комсомол прожектори» ва ўқув-тарбия комиссияси олдида жиддий вазифалар турибди. Улар биринчи навбатда прогулчиларга ва бўш ўқиётганларга қарши курашишлари керак. Ҳозир уларнинг иши шундай ташкил этилганки, меҳнат, ўқув интизомини, ётоқхона қоидаларини бузиш ҳолларига муросасиз бир вазият яратганлар.

Ўқув-тарбия комиссияси синф раҳбарлари билан узвий алоқа боғламоқда. Группаларнинг старосталари билан биргаликда ўзлаштираолмаётганлар билан иш олиб боришяпти. Бунинг сабабларини аниқлашяпти. Хуллас, ишларнинг янада жонланиб кетишига ҳисса қўшишяпти.

Комсомол комитети ётоқхоналарда тарбия ишларини янада яхшилаш ва уларда истиқомат қилаётган студентларнинг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича ётоқхоналар Совети ишига ёрдам беряпти ва уларнинг ишини назорат қилмоқда.

А. ЖАББОРОВА,
Тошкент гидромелиорация техникуми комсомол комитетининг секретари.

• «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ГАЗ ҚАЕРДА ИСРОФ БЎЛЯПТИ?»

Газетанинг 8 январь сонида ана шу сарлавҳа остида шаҳар саноат корхоналарида «зангори ёнилғи»дан тежаб-тергаб, рационал фойдаланиш зарурлиги тўғрисида рейд бригадасининг материали эълон қилинган эди. Рейд вақтида қатор корхоналарда, шу жумладан «Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси махсус мебеллар заводида, Сергелидаги темир-бетон конструкциялари заводида газдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги ҳақидаги фактлар аниқланган эди.

Бирлашма бош директори В. Хазан газетада эълон қилинган мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилди:

Мақола махсус мебеллар заводи коллективида муҳокама қилинди, танқид тўғри деб топилди. Ҳозирги вақтда конденсат йиғиладиган бак муҳофаза этилиб, иссиқликнинг беҳуда исроф бўлишининг йўли, олинган, қувур-трубалардаги муҳофаза жиҳозлари тикланган. Заводни 1983 йилда ривожлантириш планига мувофиқ иссиқлик трассалари тармоғини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бундан бўён иссиқлик энергиясидан хўжасизларча фойдаланаётганларга нисбатан жиддий чоралар кўрилади.

* * *

Редакцияга Сергелидаги темир-бетон конструкциялари заводининг директори Е. Кочкин хабар қилади:

Мақола партия бюроси ва завод комитетининг биргаликдаги кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди. Кўрсатиб ўтилган камчиликларни тузатиш учун махсус тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу тадбирлар завод бўйича берилган буйруқ билан тасдиқланган. Махсус комиссия ана шу тадбирларнинг бажарилишини ўз назорати остига олган.

«ХАТ ОРТИДА ИНСОН БОР»

Ана шу сарлавҳа остида газетада эълон қилинган мақолада кўрсатилган камчиликлар бўйича кўрилган тадбирлар тўғрисида «Водоканал» трестининг бошқарувчиси З. Солихўжаев редакцияга қуйидагиларни маълум қилди:

«Танқидий мақола «Водоканал» трести инженер-техник ходимларининг кенгайтирилган кенгашида муҳокама қилинди. Ҳозирги вақтда ЖЭК билан биргаликда кўрилган чоралар натижасида 25-уйни сув билан таъминлаш яхшиланган.

Водопровод тармоқлари бошқармасига Қорақамиш 1/1 массивидаги 25-уйнинг сув билан таъминланишини назорат остига олиш топширилган».

* * *

«Хат ортида инсон бор» мақоласида танқид қилинган 6-уй-жой-коммунал идорасидан ҳам жавоб олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Хат ортида инсон бор» мақоласи 6-уй-жой-коммунал идораси коллективининг йиғилишида муҳокама қилинди. Коллектив шаънига айтилган танқидий фикрлар тўғри деб топилди.

6-уй-жой-коммунал идораси ҳозир ичитиш системасидаги барча носозликларни тугатмоқда. Иссиқлик тармоқлари корхонаси трассадаги иссиқликнинг босими ва ҳароратини маромига етказди...»

К. ҲАСАНБОЕВ,
6-уй-жой-коммунал идораси бошлиғи.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҲАВАСКОР «КЎЗБЎЯМАЧИЛАР»

Германия Демократик Республикасида расмий равишда «кўзбўямачи» унвонига эга бўлганлар сони 60 кишидан иборат. Лекин бу ерда сеҳргарлик ишқибозлари жуда кўплаб топилади. Улар орасида катталарни ҳам, ёшларни ҳам учратиш мумкин. Профессионал-артистлар карта, турли туман шариклар ва рўмолчалар билан ақл бовар қилмайдиган мўъжизавий ўйинларни кўрсатадилар. Ҳозирда халқ цирклари труппаларида эса 1200 дан ортиқ «кўзбўямачи»лар қатнашяпти. Кўпчилик болалар эса уй шароитида ва пионерлар саройларида «кўзбўямачилик» санъатидан таълим олишади.

Энг қобилиятли «кўзбўямачи» ва «сеҳргарлар» бир йилда уч марта Дрезденда бўлишиб ўз ишқибозларига санъатларини намойиш этадилар ва тажриба алмашадилар.

ШОВҚИН-СУРОН ТЎЛҚИНИ

Японияда атроф муҳитни қамраб олган шовқин-сурон тўлқини ҳақида тез-тез гап юритишади. Бугунги кунда бу муаммо, дейишмоқда, мутахассислар, жаҳондаги ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, японияликлар мунтазам равишда 65 децибел кучга эга бўлган шовқин-сурон таъсирида яшамоқдалар ваҳоланки, белгиланган нормага кўра эса шовқин-сурон тўлқини кундуз кунлари 50, кечасилари эса 40 децибелдан ошмаслиги керак.

Нерв касаллиги, қон босимининг ошиб кетиши, сезги қобилиятини йўқотиш каби тобора кенг тарқалаётган касалликлар мунтазам шовқин-сурон тўлқинининг оқибатидир.

СУРАТДА: Югославия Социалистик Федератив Республикасининг пойтахти — Белград.

ТАНЮГ— ТАСС фотоси.

ТОШБЎРОН ОҚИБАТИ

Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий қирғоғидаги Алўҳалил шаҳри яқинида жойлашган Захария қишлоғида ўн кундан буён комендантлик соати амал қилиб турибди. Исроил босқинчилари қишлоқ аҳолисига бир суткада 50—60 минутгина озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун ўз уйларидан чиқишга рухсат бермоқда.

Босқинчилар маҳаллий аҳоли Исроил соқчи машинасини тошбўрон қилганидан кейин ана шу жазолаш чораларини жорий этди. Шундан кейин босқинчилар аҳоли ўртасида тинтув ўтказдилар ва кишиларни қамоққа олдилар.

ИҚТИСОДИЙ ПРОБЛЕМА

Индонезияда ишсизлик даражаси 29 процентга етган, деб ҳисоблайди таниқли экономист олим С. Жожохадику с у м о

Мамлакатда индонезияликлардан жами 16 миллион киши ўз билими ва кучига яраша иш тополмаяпти. Ана шу социал иқтисодий проблема Индонезия аҳолиси тез кўпайиб бораётганлиги туфайли янада чуқурлашмоқда. Индонезия аҳолиси шу аср охиригача 220 миллион кишига етиши керак.

АЛАМЗАДА ҲАЙВОНЛАР

Шу кунларда Қоҳира ҳайвонот боғи оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Айниқса у молиявий томондан жуда қийналаяпти. Белгиланган маблағ ҳайвонларни жорий этилган тартибда сақлаш ва сон жиҳатидан тўла бўлган ҳайвонот боғи қоровулларини таъмин этаолмаётир. Гарчи улар бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам заруррқдирлар.

Сўнгги вақтларда, дейди ҳайвонот боғи директори Саар Бадрани, — бу ерга ташриф буюрувчиларнинг ҳайвонлар билан ўзаро муносабати тобора ёмонлашиб бормоқда. Улар мунтазам равишда ҳайвонларнинг ғашига тегиб ғижинтирадилар. Кўпчилик болалар эса ҳайвонлар боғи эшигидан турли-туман ёғоч, тош, барабан ва ҳуштаклар билан қуролланган ҳолда кириб келишади. Ву тажовузлардан зада бўлган йиртқичлар иштаҳасини йўқотмоқда. Уларнинг кўпчилиги эса шу туфайли ўлиб боряпти.

Ҳайвонот боғидаги мавжуд аҳволга мазмурият панжа орасидан қарамоқда. Улар молиявий муаммони баъзи бир қимматбаҳо ҳайвонларни сотиш йўли билан ҳал этишга қарор қилишди. Лекин бу қарор мавжуд бўлган вазиятни енгиллаштира олмаса керак.

МУАЛЛИФЛАРИМИЗНИ ТАНИШТИРАМИЗ

● **Мансур МУЛЛИН** — 1920 йилда туғилган. Уруш ва меҳнат ветерани. Ҳозирги пайтда республика шаҳарлараро телефон станциясида алоқа электромеханиги бўлиб ишламоқда. Бўш пайтларда шеър ва музика машқ қилади. У қўйида эълон қилинаётган музикани конкурсимиз учун махсус ёзган.

● **Ҳабиб РАҲМАТ** — 1941 йилда туғилган. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Болалар учун ёзилган қатор шеърий ва драматик асарлар муаллифи. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриётида ҳозиргача унинг кичкинтойларга мўлжалланган 8 та китоби чоп этилган.

Мансур МУЛЛИН музикаси.

Ҳабиб РАҲМАТ ва Мансур МУЛЛИН шеъри.

ТОШКЕНТ ТОНГИ

(ҚУШИҚ)



I

Қоялари оқ нурларга тўлиб
Тонг ёришар Чотқол бағрида.
Тонг ёришар ёрқин совға бўлиб,
Тинчлик севган шаҳрим аҳлига.

Нақорат:

Тошкентим, сен тинчлик машъалисан
Дилда азиз янгроқ қўшиғим.
Шаҳарлар ичра энг гўзалисан,
Сенсан менинг мангу ёшлигим.

II

Сенга кўрик қасрлар, дорилфунунлар,
Ёрқин нурлар Ильичдан совға.
Иқболинг кулган, довруғинг достон,
Ҳар жабҳада борурсан олға.

Нақорат:

III

Жон шаҳрим, эртанг янада порлоқ,
Сен қувончим, сен шоним, фахрим.
Дўст учун мудом очасан қучоқ,
Дунё ҳавас қилгучи шаҳрим.

МАШҲУР ТЕАТРНИНГ ЯНГИ АСАРЛАРИ

Владимир Маяковский номли Москва академик театри Улуғ Октябрь революцияси билан эгизак. Инқилобдан кўп ўтмай ташкил топган мамлакатимизнинг ана шу машҳур театри кўп миллатли совет саҳна санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Театр дастлабки йиллардаёқ ёш совет республикаси кишиларини бунёдкорлик меҳнатига сафарбар этувчи асарларни саҳналаштиришга катта аҳамият берди. Всеволод Мейерхольд раҳбарлик қилган театр ўшанда энциклика жаҳонга танилган Н. Погодин, В. Вишневский, А. Корнейчук каби драматургларнинг асарларини саҳналаштириб, инқилобий воқеалар, юз бераётган муҳим социал ўзгаришларни тўлақонли гавдалантиришга муваффақ бўлган эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ажойиб саҳна устаси Николай Охлопков театрга раҳбарлик қилди ва у йигирма йил мобайнида коллективни энг ажойиб саҳна асарлари яратишга сафарбар этиб келди. Таниқли режиссёр ва актёрларнинг ижодий ҳамкорлиги туфайли совет театри классик асарларининг олтин фондидан жой олган А. Арбузовнинг «Иркутск тарихи» ва «Таня», А. Штейннинг «Океан» ва бошқа асарлари дунёга келди.

А. Жигарханян, А. Лазарев, Е. Лазарев, Т. Доронина, С. Немоляева ва бошқа таниқли совет актёрлари меҳнат қилаётган театр коллективининг бугунги кунлаги репертуари ҳам ниҳоятда бой ва рангбарангдир. Театрнинг бош режиссёри А. Гончаров раҳбарлигида бугунги социалистик воқеликни ҳар томонлама мукаммал акс эттиради-ган, совет кишилари бой маънавий дунёсини теран очиб берувчи асарлар яратилмоқда. Булар орасида рус ва чет эл классикларининг асарлари, бугунги кунинг маънавий проблемалари ҳақида баҳс этувчи асарлар бор. Театр СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида ёш совет давлатининг мустаҳкамланиш йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи А. Солинскийнинг «Мишмиш» спектаклини саҳналаштирган эди. Ҳозирги пайтда театр драматург М. Розовскийнинг янги асарини саҳнага қўймоқда. В. Маяковский асарлари асосида яратилган. Бундан ташқари, тез орада томошабинлар публицист Г. Боровикнинг «Агент —00», И. Грекова қиссаси асосида ҳам янги спектаклни кўришга муяссар бўладилар.

СУРАТЛАРДА: театрга кираверишда: театр бош режиссёри А. Гончаров (ўртада) янги спектакль репетицияси пайтида.

ШАНБА ОҚШОМИ

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

ИЛМЛАР БОҒИ

Ҳурматли редакция! Тошкентимиз да қанча илм масканлари, билим юртлари ва техникумлар бор, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ғайрат ИСМАТУЛЛАЕВ,

Ҳамза кўча, Уйланиш проездида ги 8-уйда истиқомат қилувчи.

Кўҳна ва навқирон Тошкент ҳамма соҳада гуллаб-яшнаётган машъал шаҳарлардан бири. Унда кўплаб ўқув юртлари — илм боғлари бор. Тошкент бағрида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг институтлари, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг муассасалари ва бошқа ўнлаб фан масканлари бор.

Шаҳримизда битта университет, ўн еттита олий ўқув юрти мавжуд. Булардан ташқари, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Киев граждан авиацияси институтининг сиртқи факультетлари, В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд кооператив институтининг сиртқи факультетлари ишлаб турибди.

Тошкентимизда олий ўқув юртларидан ташқари 36 та техникум, билим ва ҳунар ўргатадиган 56 дан ортиқ ҳунар-техника билим юртлари бор.

ЯНГИ ИХТИРОЛАР

ШАКАРҚАМИШ ҚОЛДИҒИДАН

Шакарқамиш кунжараси қоғоз ишлаб чиқариш учун қимматли хом ашё эканлиги маълум бўлди. Кубанинг Санктиспиритус шаҳрида «Ятибонико» комбинати қурилди. Йил охиригача бу корхона шакарқамиш ашёсидан дастлабки беш минг тонна қоғоз ишлаб чиқаради.

ҒАРОИИБ ПЎЛАТ

Венгриялик мутахассислар ғаройиб пўлат турини яратдилар. Бу пўлат кристал структурага эга бўлмай зангламайди, магнитланиш хусусияти яхши ва мустаҳкамликка эга. Шунингдек уни эритиш учун бир мунча кам энергия сарф этилади.

ПЛАСТМАССАДАН КЎПРИК

Болгарияда одатдан ташқари, пластмассадан кўприк қурилди. У йўловчилар оқимигагина эмас, балки автомобиль, шунингдек юк машиналарига ҳам чидамли. Кўприкнинг узунлиги 12 метр, эни 7,2 метр, оғирлиги эса 15 тонна. Бу ана шундай иншоотнинг темир бетондан ясалганидан 12 маротаба енгил.

• Ажойиб насиҳатлар

△ Ҳар бир инсон уч нарсага уч кўз билан назар солиши лозим: одамларга такаббурлик кўзи билан эмас, камтарлик кўзи билан, ҳалолдан бойнган кишларга ҳасад кўзи билан эмас, ибрат кўзи билан, хотин-қизларга шаҳват кўзи билан эмас, шафқат кўзи билан.

△ Очкўзлиги бор одам ҳаром нарсалардан қочмайди.

△ Нодон одам олим кишининг қадрини билмаса, бунинг ажабланарли жойи йўқ.

△ Агар ўзингда бор нарсадан қуруқ қолмайин десанг, бировларда бор нарсаларга ҳасад қилма.

△ Фойда бермайдиган ишни қилма, хотинингни чиройи билан керилма, пулинг кўп бўлса-да, унга ишонма.

△ Нафсинг истагига рози бўлмасанг уни енгасан, бўлмаса у сени енгади.

△ Сенга яхшилик қилган одамга ёмонлик қилма. Сенга неъмат ҳадя қилган кишига эса таъна тошини отма.

ОТА-ОНАНИ ЭЪЗОЗЛАНГ

ОНА ҲАҚИДА

Дунёда ҳар бир зот она билан шод,
Ҳар тирик мавжудот она билан шод.
Она бўлса олам шодликка тўлар,
Еру ҳам коинот она билан шод!

Она шундай зотки, у ўзидаги битмас-туганмас меҳру шафқат туфайли фарзанд учун энг оғир қийинчиликларга ҳам бардош беради, ниҳояси йўқ қулфат ва оғирчиликларга чидайди, фарзанди учун чекилган бу машаққатлардан хафа бўлиш ўрнига, аксинча ўзини бахтиёр ҳис этади.

Рубоий:

Эй она, васфинга тил камлик қилур,
Мадҳия сўзлари мубҳамлик қилур,
Барибир мингдан бир қарзин узолмас,
Бу ўғлинг қанчалик илдамлик қилур.

Айниқса, фарзанднинг эмизикли айёмида онанинг ширин уйқусидан кечиб, бедорлик дардини тортган оналарини бир тасаввур қилиб кўр! Ҳали тили чиқмаган чақалоқнинг истагини тушуниш, йиғисининг боисини англаш учун ўртанган ҳолатларини кўз олдингга келтир.

Муҳиббий айтади:

Боланинг бахтига йўргак ким? — Она!
Инқилса қаддига тиргак ким? — Она!
Тунлари бошингда мижжа қоқмайин,
Қилт этсанг пойлаган сергак ким? — Она!

Ова фарзанд учун чекадиган машаққатлардан қолгани эса ҳар куни фарзандини ифлос ва чиркинликдан тозалаши, ўзининг барча зарур ишлари ва дам олишларини йиғиштириб қўйиб, ҳамиша фарзанд билан банд бўлиши, либосини ювиб-тозалаши, ямаши ва тикиши, иссиқ ва совуқдан асраши, ҳар бир азият етказувчи нарсалардан эҳтиёт қилиши, фарзанд касал бўлиб қолса фақат жисмонан эмас, руҳан изтиробга тушиши, кечалари ухламай, алам ва оғриқ азобида ётган фарзанди устида кўз ёшларини оқизиб ўтириши, буларнинг ҳаммаси онага хосдир.

Алишей Навоий айтади:

Аноларнинг аёғи остидадур,
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл анонинг аёғи туфроғи.

Ҳар бир фарзанд онанинг ана шундай яхшиликлари эвазига қўлидан келган барча яхшиликлари билан жавоб бериши лозим. Шунда ҳам фарзанд она қилган минглаб яхшиликларнинг бирортасига жавоб беролмаган бўлади. Тўққиз ой фарзандини кўтариб юриш каби оғир меҳнатнинг ўзигагина бир умр қилинган яхшилик ҳам етмайди. Демак, фарзаднинг вазифаси онадан қарзини узиш учун ҳар кун, ҳар дақиқада уни рози қилиши, хурсандчилигини амалга оширишдир.

Эй дўстим, эл учун ўлиб толсанг бас,
Кимгадир севимли бўлиб қолсанг бас.
Дунёда ҳеч кимни шод қилолмасанг,
Онанинг дуосиғ олиб қолсанг бас!

Эй фарзанд, қара, агар киши қўлида арзимас бир юкни бирор соат кўтариб турса қанчалик қийналади. Энди эса, тасаввур қил, агар у шу юкни тўққиз соат кўтариб юрса нима бўлади?! Агар тўққиз кун кўтариб юрса-чи? Шундан хулоса чиқариб олаверки, сенинг онанг тўққиз соат ёки тўққиз кун эмас, тўққиз ой кўтариб юрган. Шундан сўнг эса яна сени қўлида кўтариб юриб, йигирма бир ой эмизган.

Ҳазрати Навоий айтади:

Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ аноға ҳам улча имкон қилмоқ.
Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ.

Агар сен эмизикли айёмингда ёки гўдаклик замонингда онанг сен билан қандай ҳаёт кечирганини, ўзингни эса осмон билан ернинг фарқини билмайдиган бир чақалоқ бўлганингни билишни истасанг атрофингдаги оналарга қара, уларнинг қўлларидаги чақалоқларга назар сол, шунда сен ўз гўдаклигингни ёрқин тасаввур қиласан, бундан эса ўзингга яраша хулоса чиқариб оласан.

Шеър:

Асл фарзанд ато бирла аносини ризо айлар,
Дилида меҳри йўқ фарзанд алар бирла низо айлар.
Ано ҳаққин жаҳон ичра адо айлар асл фарзанд,
Асл фарзанд қачон ўз отасини норизо айлар.
Асл фарзанд ато бирла анога кўрсатиб иззат,
Тўкиб юздин табассум чеҳрасини жонфизо айлар.
Муҳиббий ким ато бирла анони норизо қилса,
Анинг фарзандлари бир кун ўзини норизо айлар!

Ақлли, зийрак, зеҳнли ҳар бир фарзанд онанинг ҳақ-ҳуқуқини жойига қўяди, қўлидан қандай яхши иш келса, онаси учун адо қилади, ризолиги йўлида эса барча имкониятини ишга солади. Ҳеч бир нарсада онанинг жаҳлини чиқармайди, онанинг қуввати етмайдиган нарсаларни талаб қилмайди.

Онанинг шафқатига жафо билан, меҳрибонлиги эвазига хафа қилиш билан жавоб қайтарувчи фарзанд нақадар разил фарзанд! Она айтганларига қулоқ солмайдиган, буюрганининг аксини қиладиган, ҳар бир ишда онанинг жиғига тегадиган фарзандни ота ёмон кўришидан ташқари, одамлар ҳам ёмон кўриши шубҳасиздир.

Ҳар бир фарзанд она насиҳатларини жон қулоғи билан эшитиши, тўғри йўлга тарғиб этса қаршилик қилмаслиги, ота ёки онадан бирови бирор ишга буюрганда шу буюрилган ишда хатолик борлигини билса ҳам юрагини тор қилиб, қаттиқ гапирмаслиги, қулиб туриб, шу ишда хатолик борлигини юмшоқлик билан исбот қилиб, уларни кўндириши лозим.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

РАССОМ ТАБАССУМИ

Ишёқмас Тўраевич Бюрократов.

Оғриқбош Шишаевич Пиёнистоев.

Уришқоқхўжа Нафратович Ёқавайронов.

Ғийбатнисо Фитнаевна Уйдурмаева.

Червоной Тиллаевна Олибсотарова.

А. Холиқов расмлари.

ЗИРАВОР ВА ОШКЎК — ТАОМ ЛАЗЗАТИ



Бокудаги медицина институти аудиториялари ва лабораторияларини тўлдириб ўтирган студентлар орасида биттаси алоҳида ажралиб турибди. У курсдошларидан ёш жиҳатидан анча кичик, бўйи ҳам анча паст. Бу 13 яшар Костя Славиндир. Тенгдошлари 6-синфда ўқиётган бўлишига қарамай у даволаш факультетининг 1-курс студентидир.

Костя 2 ёшда ўқишни ўрганиб олган эди. 5 ёшда 1-синфга бориб, 12 ёшда ўрта мактабни олдин медаль билан тугатди. Кичик студент ўзининг биринчи сессиясини фақат 5 баҳоларга топширди.

СУРАТДА: Костя Славин химиядан имтиҳон топширмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ЗИРА НИМА-Ю, ЗИРК НИМА?

Уй-рўзғорда, кундалик овқат тайёрлашда зираворлар ва ошкўклар жуда асқотади. Онатабиатнинг бу неъматлари таомларга лаззат, аъзоитанамизга роҳат, энг муҳими кучимизга дармон бағишлайди. Оқшомхонларимиз редакциямизга хат йўллашиб, ана шу зиравор ва ошкўклар ҳақида маълумот бериб боришимизни сўрашибди. Газетхонларнинг илтимосига биноан «Зиравор ва ошкўк—таом лаззати» рубрикасини ташкил этдик. Бу рубрика остидаги материаллар В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг доценти, таниқли пазанда Карим МАҲМУДОВ таҳririда бериб борилади.

Баъзи кишилар зира билан зиркни бир хил ўсимлик, деб ўйлашади. Аслида бундай эмас.

Зира — соябонгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, тоғларда ўсади, ошпазликда уруғи ишлатилади. Уруғи икки паллали, чўзиқ, майда, ранги эса қорамтир-жигарранг ёки қўнғир тусли бўлади. Нафис ҳушбўй ҳидли бўлгани учун ўзбек пазандалигида кўп ишлатилади. Чунончи, зира қази, хасип тайёрлашда, кабоб гўштини сиркалашда, суюқ овқатларга, палов, қовурмаларга солиб, чучвара, манти қиймаларига сепиб фойдаланилади. Зирани яхшилаб ўйиб ишлатсангиз таом ғоят хушҳўр ва нафис ҳидли бўлади.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино зирани коммун деб атайди ва шундай ёзади: «Унда қиздирувчи куч бўлиб, елларни ҳайдайди ва тарқатади... Зирада парчалаш, қуритиш ва буруштириш қуввати бор... Зира суви билан ювилса юзни тиниқ қилади... Истеъмол этилиши маълум миқдорда бўлиши керак, агар кўп истеъмол этилса юзни сарғайтиради...».

Зиранинг яна икки хосияти бор: зира овқатни яхши ҳазм қилдириши билан бирга, оғиздаги ёқимсиз ҳидни йўқотади. Гўштга сепиб қўйилса айнитмай сақлайди ва мазасини яхшилаб, селини чиқармайди.

Энди зирк ҳақида: бу тоғларда бута ҳолида ўсадиган ёввойи ўсимлик мевасидир. У магиз катталигида, ранги тўқ сапсар, қовжираб қуригани эса қорамтир тусда бўлади. Буни халқимиз қорақанд деб ҳам аташади. Зирк республикамизнинг Хисор тизма тоғларида, Қашқадарё ва Сурхондарё тоғларида ўсади.

Зирк туйиб суюқ овқатларга, бутун ҳолда палов ва қовурмаларга қўшилади. Абу Али ибн Сино зиркни шундай таърифлайди: «Сафрони енгиб қаттиқ ҳайдайди. Уни қўйиб боғланса шишларга фойда қилади... Қорақанд (зирк) меъда ва жигарни кучли қилади, чанқовни яхши қолдиради».

Зирк ғоят нордон, унда А ва С витаминлари бор бўлса керак.

ЦИКЛОКРОССВОРД-ЦИФРОГРАММА

Азиз оқшомхон! Топилган кроссворд сўзларидан цифрограммани ўқинг.



1. Атоқли рус (1852—1918) революционери. 2. Буюк рус (1821—1877) шоири, «Темирйўл» поэмаси автори. 3. Озарбайжоннинг гениал шоири Илёс ибн Юсуф (1141—1203) Низомий.... 4. Улуғ поляк (1473—1543) астрономи. 5. Атоқли саркарда, гвардия генерал-майори, (1894—1941) Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 6. Янги грузин адабиёти (1840—1915) асосчиларидан бири. 7. Буюк рус (1828—1886) химик олими. 8. Совет атомшунос, (1903—1960) олими. 9. Атоқли рус (1853—1928) актрисаси. 10. Ўзбек совет (1908—1967) шоири, «Тошкентнома» асари муаллифи. 11. Ўзбек лирик шоири (1778—1829) ва тарихчиси. 12. Машҳур рус (1744—1792) сатирик ёзувчиси. 13. Украин халқининг революцион-демократ шоири. 14. Электр лампочкасини ихтиро этган рус инженери. 1/7, 10/7, 12/2, 7/1—3/7, 4/6, 2/6, 9/6, 13/6, 8/4, 6/8, 11/3, 14/4, 3/8, 5/5.

Тузувчи: А. МИРЗАЕВ.

5 ФЕВРАЛДАГИ «ГЕОЛОГИЯ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 3. Зокиров. 6. Шарғун. 7. Висмут. 16. Биотит. 17. Гранат. 18. Родонит.

Бўйига: 1. Ғозғон. 2. Боксит. 4. Каримов. 5. Рубидий. 8. Бобоев. 9. Никель. 10. Хромит. 11. Шеелит. 12. Лимонит. 13. Минерал. 14. Чотқол. 15. Графит.

* * *

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга М. Шерматова, Ғ. Носиров, А. Аюбов, Ф. Нуриддинов, Т. Равшанов, М. Иномхўжаева, Ҳ. Парпиев, О. Нуруллаев, Ч. Рамзиддинова, И. Алиев, Э. Муҳамедов ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ж. МАЛИКОВА: Мен фабрикада ишлайман. Ишчиларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этади. Шу боисдан бир саволга жавоб берсангиз: корхона маъмурияти эмизикли боласи бўлган аёлларни ўз ташаббуси билан ишдан бўшатиши мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари тўғрисидаги Кодексининг 197-моддасига мувофиқ маъмурият ташаббуси билан ҳомиладор аёллар, эмизикли боласи бўлган аёллар ва бир ёшгача боласи бўлган аёлларни ишдан бўшатиш фақатгина корхона, муассаса ва ташкилот тўлалигича тугатилган ҳолларгагина бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолларда ҳам маъмурият ишдан бўшатилган аёлларни ишга жойлаштириши лозим. Бошқа барча ҳолларда эса юқорида айтиб ўтилган категориядаги шахсларни маъмурият ташаббуси билан бўшатишга асло йўл қўйилмайди.

* * *

О. МУСАЕВ: Айтингчи, ишчи ёки хизматчи ўзининг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан танишиб чиқиши мумкинми?

Жавоб: Меҳнат дафтарчаларини юритиш қоидалари ҳақидаги инструкциянинг 15-бандига мувофиқ, маъмурият меҳнат дафтарчаси эгасини унда қайд қилинган барча ёзувлар билан таништириши керак. Бу ёзувлар маълумки, меҳнат дафтарчасига маъмуриятнинг буйруғи ёки фармойиши билан ёзилади. Меҳнат дафтарчасига ҳар бир янги ёзув ёзилаётган пайтда ходим ана шу ёзув билан таништирилиши ва шахсий карточкасидаги худди шундай ёзув тагига ўз имзосини қўйиши керак. Агар ишчи ёки хизматчи меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан танишаётган пайтда йўл қўйилган бирорта хатони аниқласа ёки иши тўғрисидаги ёзувларда бирорта чалкашликни кўриб қолса, бундай ҳолларда маъмурият тезлик билан бу хатоларни тузатиб қўйиши керак.

* * *

Ҳ. ҲАМДАМОВА: Оила бошига мусибат тушиб, боқувчисидан айрилган ҳолларда оила аъзолари пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризалар билан кимларга мурожаат қилишлари керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Боқувчисидан айрилган ҳолларда оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза вафот этган оила бошлиғи сўнгги вақтларда ишлаган корхона, ташкилот ёки муассасанинг маъмурияти номига ёзилиши керак. Маъмурият эса ўз навбатида маҳаллий комитет билан биргаликда зарур ҳамма ҳужжатларни тезлик билан расмийлаштиради ва уни ариза берган киши истиқомат қиладиган жойнинг социал таъминот бўлимига ўтказади. Бошқа расмийлаштириш ишлари шу социал таъминот бўлимида бажарилади.

* * *

Б. ИСАЕВА: Соғлиғига зарарли химик воситалар билан ишловчи аёллар ҳомиладорлиги туфайли корхона маъмуриятидан ўзларини бошқа, енгилроқ ишга кўчиришларини сўраб мурожаат қилишлари мумкинми?

Жавоб: Соғлиққа зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ҳомиладор аёллар бошқа, енгилроқ ишга кўчиришга муҳтож бўлсалар бундай ҳолларда улар иш жойидан, врачлик консультация комиссияси (ВКК)дан уни вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш зарурлигини англатувчи медицина хулосасини корхона маъмуриятига олиб келиб беришлари лозим. Шундай хулоса бўлган тақдирдагина маъмурият бундай аёлларни бошқа ишга ўтказиши керак.

«Дўстлар учрашуви» конкурси якунланди

ҒОЛИБЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми Бош бошқармаси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармаси социалистик мамлакатлар— Болгария, Венгрия, ГДР, Польша ва Чехословакия туристик ташкилотлари, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси билан ҳамкорликда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказган «Дўстлар учрашуви» конкурсининг натижалари якунланди. Редакция адресига мингдан зиёд хат келди. Уларнинг муаллифлари бундай обрўли конкурс ташкил этилганлиги учун ташаккур билдириб, ўзларининг жавобларини жюри диққатига ҳавола қилдилар. Конкурс қатнашчиларининг сони кўплигини инобатга олиб, Польшанинг «Орбис» саёҳатлар бюроси ПХРга махсус путевка ажратди. Шундай қилиб, рағбатлантирувчи мукофотлар сони кўпайди.

«Ўзбекистон» меҳмонхонасининг залида «Дўстлар учрашуви» конкурс-викторинанинг натижаларини якунлашга бағишлаб журналистлар учун матбуот-конференцияси бўлиб ўтди. Унда БХР, ВХР, ГДР, ПХР ва ЧССР туристик ташкилотлари, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми Бош бошқармаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармаси вакиллари қатнашдилар ва нутқ сўзладилар. Меҳмонхона дахлизида туристик плакатлар ва реклама материаллари кўргазмаси ташкил этилди.

Совет Иттифоқида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам аҳоли кенг оммасининг туристик алмашувларда қатнашуви учун барча шароитлар яратиб берилган. Мамлакатимиз бўйлаб, шу жумладан чет мамлакатлар бўйлаб сафар қилаётган совет кишиларининг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

«Дўстлар учрашуви» шиори остида мамлакатимизнинг Минск, Ульяновск ва Киев шаҳарларида бўлган конкурсларда социалистик мамлакатлар туристик ташкилотлари «Главинтурист» билан ҳамкорликда оммавий маросимларни ўтказдилар. Навбатдаги маросим Тошкентда бўлиб ўтди.

Конкурс викторинани ўтказиш учун социалистик мамлакатлар туристик ташкилотлари тавсия этган саволлар рўйхатини олган эдик. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармаси «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» билан редакциялари билан ҳамкорликда ана шу саволларни эълон қилиб, жюри туздилар.

Ғолибларга бешта асосий ютуқ — социалистик мамлакатлардан бирига бепул йўлланма тақдим қилинди.

Конкурсда Тошкент, Тошкент области, шунингдек республикамиз бошқа шаҳар ва қишлоқларнинг 1 мингдан зиёд кишиси қатнашди.

Жюри қарорига биноан социалистик мамлакатлардан бирига аталган бепул путёвкалар Тошкент абразив комбинатининг пресс-чиси Собирбой **Ахмедов**га — ГДРга; пенсионер, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган жангчилар хотирасини абадийлаштириш комиссиясининг раиси Николай Гаврилович **Березняк**ка — БХРга; Тошкент театр — рассомчилик институти студенти Тоҳир **Ғуломов**га — ВХРга; Тошкент политехника институти кичик илмий ходими Евгения Эдгаровна **Чернова**га — ЧССРга; ёзувчи, Тошкент Давлат университети журналистика факультети доценти Мухтор **Худойқулов**га — ПХРга бориш учун берилди.

Уларнинг жавоблари тўғри, ғоятда аниқ деб топилди. «Ўзгипросельхозводоснабжение» институтининг лойиҳа бош инженери **А. С. Кан** ва Тошкендаги 103-мактаб 7-«б» синф ўқувчиси **Н. Невзорова**ларнинг яхши жавоблари қайд этиб ўтилди. Уларни конкурс ташкилотчиларининг мукофотлари кутмоқда. 84-мактаб 8-синф ўқувчиси **Л. Узлова**, «Паркентводстрой» тресті катта инженери **А. Аҳмедов**, Тошкент тўқимачилик комбинати пиликловчиси **Ф. М. Иззатулина**, Тошкент Давлат университети биология-тупроқшунослик факультети 3-курс студенти **О. Панкратьева**, Бекобод металлургия комбинатининг кран машинисти **К. Назаров**; тез ёрдам клиник шифохонасининг врач-анестезиологи **Н. П. Фоменко**, «Узэлектромонтаж» тресті электр монтажчиси **М. Р. Просмушкин**; Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози шофери **Т. Евқочев**, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти доценти **Д. Ф. Ғафурова**, рус тили ва адабиёти педагогика институти стажер-тадқиқотчиси **Л. М. Саматова**ларнинг жавоблари қайд этиб ўтилди.

Қайд этиб ўтилган ишлар орасида Сирдарё области Фарҳод ГЭСи слесари **Л. Е. Березовский**, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси катта инженери **Г. В. Бикматов**, «Ташсельмаш» заводи ОМТС юк ташувчи-экспедитори **А. А. Бектоев**, врач-стоматолог **Н. П. Сушкова**, тўқимачилик комбинати автослесари **В. Т. Тўлаганов**, Тошкент фармацевтика институти илмий ходими **Ф. А. Саъдуллаева**, Тошкент районидаги «Тошкент» совхози ишчиси **С. Тўқсонбоев**ларнинг жавоблари ҳам бор.

Конкурс ташкилотчилари конкурснинг актив қатнашчиларини чин қалбдан табриклайдилар. Редакция адресига мазмуни жиҳатидан қизиқарли бўлган юзлаб хатлар олинди.

«Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги дўстларимизнинг ҳаёти билан яқиндан танишишни кўп вақтдан бери орзу қилиб юрар эдим: саволларга жавоб қайтаришга тайёргарлик кўраётганимда мен, менга яқиндан ёрдам бериб турган фарзандларим ҳам кўпгина янги ва қизиқарли нарсаларни билиб олдик», — деб ёзади Тамара Васильевна Ринас.

«Ҳурматли редакция! «Дўстлар учрашуви» конкурсини ўтказишдаги ташаббусингиз учун катта раҳмат. Дўстларимиз мамлакатлари бўйлаб ана шу қизиқарли саёҳатга бажонидиллик билан қўшиламан. Ишим бошимдан ошиб ётганига қарамай социалистик мамлакатлар тўғрисида кўпгина китобларни қизиқиб ўқидим, бир неча марта музейга бордим. Конкурснинг бир неча саволлари Тошкент билан боғлиқ эканлиги ғоятда жоиздир. Сизга яна бир бор катта раҳмат» — деб ёзибди «Ташметропроект» институти иссиқлик санитария техникаси бўлими бошлиғи А. К. Шуринов.

Физик-назариётчи М. Ю. Расулова ўзининг шахсий архивидан қирқимлар юборган. «Красновосточная» депоси план бўлими бошлиғи Л. С. Абакумова ажойиб мактуб йўллаган: «Мен отам Семен Макарович Петровнинг қайноқ нафасидан баҳраманд бўлгандек бўлдим... Отам Ю. Фучикни кўришга муяссар бўлган. Бир вақтлар у бизларга ана шу ҳақда гапириб ўтирар эди. Ана шундай катта шаҳарда бундай путёвкага даъвогар бўлиш жуда қийинлигини яхши тушунаман. Кўп вақтимни китоблар оламида ўтказдим, Юлиус Фучик номли музей директори А. Бочкарев билан учрашдим...».

Даста-даста мактублар, уларга қараб кўз қувонади. Ҳар бирини газета саҳифаларида эълон қилиш мумкин.

Азиз газетхонлар, сизларнинг мактубларингиз ва жавобларингиз конкурс ташкилотчиларида ғоят катта қизиқиш уйғотди. Болгария, Венгрия, Польша, Германия Демократик Республикаси, Чехословакиянинг обрўли туристик ташкилотлари вакиллари ана шу мактубларни ўзлари билан бирга олиб кетиш ва у ерда кўргазмалар ташкил этиш ниятидалар.

Турли касбдаги Тошкент кишиларнинг жавобларини имконият яратилиб қолгудек бўлса, албатта қувонтириш лозим. Лекин путёвкалар атиги бешта. Бу путёвкаларни конкурснинг барча ўнта саволига тўғри ва қизиқарли жавоб қайтара олганлар ҳалол беллашувда олдилар. Сўзимизнинг ниҳоясида ана шу қизиқарли ва завқли конкурсда иштирок этганларнинг барчасини чин қалбдан қутлаймиз. Булар маънавий ютуқнинг эгалари бўлиб қолишди. Улар қардош социалистик мамлакатларнинг жўшқин ҳаёти билан яқиндан танишишга муяссар бўлдилар.

Ж. МИРФАЁЗОВ,
жюри раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Э. АДАЙКИНА,
жюри секретари, «Тошкент оқшоми» газетасининг мухбири.

СУРАТДА: Бухарестдаги Румыния Социалистик Республикасининг саройи.

Н. Морозов фотоси. (ТАСС).

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

Ҳафталик программа

14 ФЕВРАЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.40 «Эрмитаж». Телевизион фильм. 19.10 Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Эркаклар. Норвегиядан олиб кўрсатилади. 19.40 «Меҳнатга яраша, шараф ва шуҳрат». Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ташаббускори — «МЭЛЗ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибаси ҳақида. 3-кўрсатув — «Келажак бугундан бошланади». 20.10 «Тошқин». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Г. Бергер. 21.30 «Время». 22.05 «Тошқин». Телевизион спектаклининг давоми. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Балет артистларининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 19.50 СССР Давлат телерадиосининг соврини учун замонавий беш кураш бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм. 23.20 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Мис тоғ бекаси». Мультфильм. 18.15 Успенский номли музика мактаби ўқувчиларининг концерти. 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Советский воин». Тележурнал (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 МАКЕДОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КУНЛАРИ. «Бирдамлик хиёбонлари». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Бобир лирикаси». Туғилган кунининг 500 йиллигига. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорлари — ҳаётга! «Наслчилик ишига алоҳида эътибор берайлик». 22.25 МАКЕДОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КУНЛАРИ. Югославия эстрадаси артистларининг концерти. 23.20 «Бугун оламда нима гап». Халқаро аҳвол кундалиги.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 19.10 Янгиликлар (рус.). 19.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Автомобилист» (Свердловск). 2- ва 3-даврлар. «Юбилейний» Марказий спорт залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар. 20.50 Врач маслаҳати. 21.00 «Ваъда вафоси билан». Ҳужжатли фильм. 21.30 МТ II.

15 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Г. Бергер. «Тошқин». Телевизион спектакль. 12.05 Дон казаклари Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари. 16.10 Қалмиқ АССР «Тюльпан» Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 16.50 А. Яшин. Асарлари саҳифаларида. 17.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».

18.10 Д. Шостакович. I-симфония. П. И. Чайковский номли Москва Давлат консерваторияси қошидаги музика билим юртининг симфоник оркестри ижро этади. 18.45 «Ёшлар адреслари». 19.15 Дунё воқеалари». 19.30 «Фан ва турмуш». 20.00 «Исёнкор застава». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Дўстларимиз чеҳраси». 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Спорт ҳафталиги».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Қуёш билан диалог». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Физика. 10-синф. Электромагнит нурланиш спектри. 10.05 ва 13.40 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 «Созлаш». Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. Меҳнат ҳуқуқи. 12.05 Шахмат мактаби. Разрядлилар синфи. 13.10 Физика, 9-синф. Газлар ва вакуумларда электр токи. 14.10 «По — 9 гумбази остида». Илмий-оммабоп фильм. 14.40 «Билимимиз — қудратимиз». Илмий-оммабоп журнал. 15.25 «Мен флотни ёзаман...». (Л. Соболев ижоди ҳақида). 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Пудрат ва меҳнат интизоми». 19.20 «Арфа янграйди». Фильм-концерт. 19.30 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Сараевода Олимпиада олди мусобақалари. Биатлон. Югославиядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Қизғин кунлар». Бадиий фильм. 23.50 «Ёзга йўлланма». Телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қуёнча Петя дўстлари билан хайрлашмоқда». Қўғирчоқ фильм. 18.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Ишга тушириладиган объектлар — сафга!». Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида аммиакнинг йирик тоннаж агрегати (рус). 19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Буюк Ленин тилини ўрганамиз». Ҳужжатли фильм. («Ўзкинохроника»). 20.00 «Етук социализм босқичида СССР халқларининг қардошларча ҳамкорлиги». Бутуниттифоқ конференцияси. 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР халқларининг куйлари. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Республика областлари театрларининг телевизион фестивали. Н. Юсуфий. «Мухтор вакил». Фарғона область музикали драма театрининг спектакли. Танаффус пайтида — «Бугун оламда нима гап». Халқаро аҳвол кундалиги.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Рус адабиёти. Н. А. Некрасов ва сайёр рассомлар (рус.). 18.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 19.45 «Завод сифат учун кафил». Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Дўстлиқ камалаги». Кинопрограмма. 21.30 МТ II.

16 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Исёнкор застава». Бадиий фильм. 11.05 «Саёҳатчилар клуби». 12.05 «Дўстларимиз премьералари». Социалистик мамлакатлар ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши (ЧССР, БХР, ГДР). 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Комсомол — менинг тақдирим». Ҳужжатли фильмлар. 16.15 Шоир Алексей Кольцовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кўрсатув. 17.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 17.50 М. Равель. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт. Ижро этадилар: Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист, Халқаро конкурслар лауреати А. Торадзе ва Грузия ССР симфоник оркестри.

18.15 «Ерда, осмонда ва денгизда». 18.45 «Инсон ва қонун». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Войгач». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.45 Михайловскоедаги Давлат А. С. Пушкин музей-заповедниги директори, ёзувчи С. С. Гейченко билан Останкино концерт студиясида учрашув. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Дельта». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 География. 7-синф. Уралнинг табиий комплекслари. 10.05 ва 14.10 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. Ярим ўтказгичларни қўллаш. 11.35 ва 12.40 А. П. Гайдар. «Мактаб». 6-синф. 12.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.10 Н. А. Римский-Корсаковнинг «Қорқиз» операси. 5-синф. 13.40 География. 5-синф. Атмосфера. 14.40 Тарих. XVIII аср рус маданияти. 15.10 Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай ўргатишади? Қозоғистон ССРдаги 23-ихтисослашган ҳунар-техника билим юртида қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ҳақида. 15.40 С. Прокофьев. «Золушка» балети. 16.35 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Кўҳна ернинг ёшлиги». Ҳужжатли фильм. 19.00 Халқ чолғу оркестрининг концерти (Венгрия Халқ Республикаси). 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Новолипецк металлургия комбинати Маданият уйи халқ хорининг концерти. 21.05 «1983 йил архитектураси». 21.30 «Время». 22.05 «Василий Бортниковнинг қайтиши». Бадиий фильм. 23.25 «Вологданинг эримас қировлари». Телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси.

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Физика. Электромагнит тебранишлар шкаласи. 12.00 «Россиянинг шарқий қирғоғи». Телефильм. 12.30 География. Уралнинг оғир саноати. 13.00 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 1-қисм.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, механизатор Саодат Гулаҳмедова билан учрашуви. 18.25 МАКЕДОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КУНЛАРИ. «Тумба, тумба, дивина». Спектакль. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Биринчи даражали ғамхўрлик». Ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 20.05 «Турмуш ва маданият». 20.20 «Ахборот». 21.00 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Алмашлаб экиш — мўл ҳосил гарови». 22.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Ў. Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 1қисм.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Физика. 19.10 Ўқитувчи экрани. Тарих ва жамиятшунослик курсларида идеологик кураш актуал масалаларининг ёритилиши. 19.40 «Мангу эъзозлаб». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 МАКЕДОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КУНЛАРИ. «Зурна. Халқ чолғу асбоби». Ҳужжатли фильм. 20.45 «Ердамчи хўжаликларни ривожлантирайлик» (рус.). 21.00 «Халқ хизматида». 21.30 МТ II.

17 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Бола борар, бойқуш учар эди». Мультфильм премьераси. 10.10 «Покровск дарвозалари». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.10 «Уста ва бригантина». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Анкетадаги бир сатр». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 «Эркин мавзуда иншо». СССР халқ ўқитувчиси, Озарбайжон ССР Евлах районидаги Халдан ўрта мактаб директори З. Г. Шоюбов ҳақида телевизион очерк. 16.20 Новосибирск область Коливан қишлоқ хўжалик техникуми халқ ансамблининг концерти. 16.50 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». Украина ССР Винница области билим юртларида темир йўл транспорти учун кадрлар тайёрлаш ҳақида. 17.20 «Салют, Пионерия!». Тамбов шаҳар болалар бадиий коллективларининг чиқиши.

18.05 «Шахмат мактаби». Бошловчилар синфи. Кўрсатувни спорт мастери Б. С. Шашин олиб боради. 18.35 СССР халқ рассоми Е. И. Зверьковнинг сўзи. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнатга масъулиятли муносабатда бўлишни тарбиялаш ҳақида». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жонли лой». Мультфильм. 19.40 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.25 «Егор Иванич». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Автор — И. Беляев. 21.30 «Время». 22.05 «Чехов ҳузурига саёҳат» туркумидан «Мелихово участкасининг шифокори». Телевизион фильм премьераси. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Янис Заберс». Фильм-концерт премьераси.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Авача вулқони тутайдиган жойда». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Умумий биология. 10-синф. Мутациялар. 10.05 ва 13.40 Испан тили. 11.05 Ҳунар-техника билим-юртларининг ўқувчиларига. Жамиятшунослик. КПСС — ишчилар синфининг, бутун совет халқининг партияси. 11.35 ва 12.40 Л. Н. Толстой. «Уруш ва тинчлик». (Романнинг яратилиши тарихи). 9-синф. 12.05 «Оналар мактаби». 13.10 Тарих. 4-синф. «Отлан, улкан мамлакатим!». 14.10 Н. Г. Гарен — Михайловский. Портретга чизгилар. 14.50 «Кутилмаган меҳмон». Бадиий фильм (субтитр билан). 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 В. А. Жуковский. Шеърлар ва балладалар. 19.30 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 20.00 «Сиз яратган боғ». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Сараевода олимпиада олди мусобақалари. Биатлон 4х7,5 км эстафета. Югославиядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Қуёш остидаги чанг». Бадиий фильм. 23.35 Ҳужжатли фильмлар «Ватанга содиқ», «Қанотланганлар».

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши (рус.). 12.00 Болалар учун «Санъат ғунчалари» (такрорий). 12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. 13.00 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 2-серия.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Қувноқ камалак». Болалар учун фильм-концерт. 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 19.10 МАКЕДОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КУНЛАРИ. «Бу Вангел Наумовский олами эди». Телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Балерина билан суҳбат». Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ф. Саъдуллаева. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Балерина билан суҳбат». Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ф. Саъдуллаева (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 Тоғ-чанғи спорти бўйича «Дўстлик» халқаро мусобақалари. Чимёндан репортаж. 22.25 Ў. Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 2-қисм. 23.50 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.10 Камер куйларидан концерт. 19.40 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Телевизион новеллалар театри. Н. Қиличев. «Тонгдек ойдин». 20.55 Ўқитувчилар учун консультация. Ўқиш дарсларида болалар чизган расм (рус.). 21.30 МТ II.

18 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.25 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг А. Михайлов раҳбарлигидаги симфоник ва эстрада куйлари оркестри чалади. 11.00 «Подмосковье. 1982 йил». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 М. Шолохов. «Очилган қўриқ». РСФСР халқ артисти Ю. Каюров романдан парчалар ўқийди. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқ коммунистларининг ишлари ва ташвишлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.15 «Рус тили». 16.45 Бирма миллий рақс ансамблининг чиқиши. 17.15 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Соат занги чалиниб турар экан». Кўрсатувни СССР халқ артисти В. М. Леонтьева ҳамда РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Л. В. Владимирский олиб боради.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.00 «Экранда — кинокомедия». «Келдию кетди». 21.30 «Время». 22.05 «Кинопанорама». 23.40 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Эртанги кун ва нарядсиз ишлаш ҳақида». Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 География. 8.-синф. Урал райони. 10.05 ва 13.45 Инглиз тили. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биологил. Мутациялар. 11.35 ва 12.35 В. П. Катаев. «Оқариб кўринар ёлғиз бир елкан». 5-синф. 12.05 Астрономия. Астрономиянинг амалда қўлланилиши. 13.05 Табиатшунослик. 3-синф. Ўрмон полосасининг табиати. 13.25 Ботаника. 6-синф. Ўсимликлар тўдаси. 14.15 «Кичкинтойлар учун геометрия». Илмий-оммабоп фильм. 14.45 «Звездочёт» телевизион журнали. 15.30 «Улуғ Ватан уруши». Киноэпопея. 20-фильм — «Номаълум солдат». 16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Фан ва техника». Киножурнал. 19.00 Давлат концерт залида РСФСРда хизмат кўрсатган артист Ж. Бичевская концерти. 19.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Эркаклар. МАСК — «Олимпиа Билли» (Италия). МАСК универсал спорт залидан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 Польша радио ва телевидениеси Катта симфоник оркестрининг концерти. Солист — Халқаро конкурслар лауреати Т. Жмудзиньский (фортепьяно). Дирижёр — Б. Мадей. Программада: К. Шимоновский. 4-симфония. 21.30 «Время». 22.05 «Икки опа-сингил». Телевизион бадиий фильм. 23.10 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Рига). 2 ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Рус адабиёти. Л. Н. Толстой. Ҳаёти саҳифалари (рус.). 12.00 «Қувноқ учрашувлар». Болалар учун фильм-концерт. 12.30 Математика. Ўнли касрлар. 13.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қуёнча Петя ва сеҳрли рояль», «Қувноқ арғимчоқ». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Ҳар бир иш жойида». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 МАКЕДОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КУНЛАРИ. «Фестиваль». Катталар учун мультфильмлар. 20.15 «Шингнинг мовий маржони». Манзарали фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ижро этади. 21.30 «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Ў. Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 3-қисм. 23.45 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Абитуриентлар учун. Математика. 19.15 «Вулқоннинг отилиши». Ҳужжатли фильм. 19.30 Абитуриентлар учун. Она тили. 20.00 Янгиликлар. 20.20 МАКЕДОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КУНЛАРИ. «Рақс». Ҳужжатли фильм. 20.50 «Зомин қўриқхонаси». Телефильм. 21.00 «Уфқ ортига назар» (рус.). 21.30 МТ II.

19 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати Н. Мозговой куйлайди. 10.00 «Спортлото»нинг 8-тиражи. 10.10 «АБВГДейка». 10.40 «Ота-оналар, Сизлар учун». Телетомошабинларнинг хатларига СССР Маориф министрининг ўринбосари В. М. Коротов жавоб беради. 11.15 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 11.45 «Халқ хотирасида», «Сталинград жангининг панорамаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.15 «Ўсмирлар ижоди». 12.45 «Ёдингдами, ўртоқ...» Кўрсатувни ёзувчи И. Ф. Стаднюк олиб боради. 13.45 «Сиз бунга қодирсиз». 14.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг Халқаро фестивали. «Эльзаснинг анъанавий рақслари» (Франция). 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Чин инсон ҳақида қисса». Бадиий фильм. 16.50 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр — Ленин мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти Е. Светланов. 17.45 «Сирли сайёра». Мультфильм 18.00 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.30 «Ҳайвонот оламида».

19.30 Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 20.15 «Чайковский». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Чайковский». Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. ГДРдан олиб кўрсатилади. 00.05 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 «Енисей устидаги уй». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.50 «Василий Бортниковнинг қайтиши». Бадиий фильм. 11.10 Сузиш бўйича СССР чемпионати. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 11.55 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув. 12.25 Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 13.10 «Қора денгиз ороллари». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.20 ҚОЗОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: Уренгой — Помари — Ужгород газопроводи қурилишидан репортаж. «Миллионни қандай сарфлаш мумкин». «Одамларга нималар билан боради». Телевизион фильмлар «Дўстлик байрами». Фильм-концерт. 14.35 «Қадрдон ер бўёқлари билан». Молдавия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Э. Романеску ҳақида. Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 15.05 «Саёҳатчилар клуби». 16.05 «Карпат жилолари». «Ватра» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. Львовдан олиб кўрсатилади. 16.35 «Ҳужжатли экран». Киноилова. Ҳужжатли фильм премьераси. 17.25 Телевизион спектакль 18.45 «Музикали киоск». 19.15 Халқаро обзор. 19.30 «Бир умрга». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Москва). 2- ва 3-даврлар. Горький шаҳридан олиб кўрсатилади. 21.15 «Эслайсанми...» РСФСР халқ артисти Г. Васильев иштирокида фильм концерт.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 Мактабгача ёшдаги болалар учун. «Сўз кетидан сўз келар». 11.15 «Кинoредакция почтасидан». 12.00 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси этнографик ансамблининг концерти. 12.40 «Қизни топинг». Бадиий фильм. 14.05 «Театр учрашувлари».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Яшил шиша». Қўғирчоқ фильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз». Конкурс-кўрсатув. 19.00 «Ота-оналар университети». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Баҳор тароналари». Манзарали телефильм. 19.55 Пушкин номли Давлат санъат музейи Тошкентда. XIX — XX асрлар француз санъати. 20.30 «Ахборот». 20.50 Мақом ижрочилари Республика конкурси иштирокчиларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Тоғ-чанғи спорти бўйича «Дўстлик» халқаро мусобақалари Чимёндан репортаж. 22.30 Ў. Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 4-қисм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 Футбол бўйича СССР кубоги. «Помир» (Душанба) — «Ротор» (Волгоград). 2-тайм. 17.45 «Йўл». Телевизион бадиий фильм 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Костёр». 19.00 «Новости» программаси. 19.20 «Муваффақият формуласи». Ҳужжатли фильм. 19.40 «Инсон биз билан ёнма-ён». 20.00 «Ахбор». 20.25 Концерт. 21.30 МТ II.

20 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Духовой оркестр чалади». Телевизион кўрик-конкурс. Тернополь музика билим юртининг духовой оркестри чалади. Львовдан олиб кўрсатилади. 10.10 «Будильник». 10.40 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.40 «Здоровье». 12.25 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 12.55 Қишлоқ янгиликлари». 13.55 «Музикали киоск». 14.25 «Фан ва ҳаракат хавфсизлиги». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 14.45 Эдуард де Филиппо. «Шанба, Якшанба, Душанба». М. Ермолова номли театрнинг фильм-спектакли. 16.45 «Сталинградликлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.40 Улуғ Ватан уруши ветеранларининг хатлари асосида музикали кўрсатув. 18.40 Мультфильмлар. 18.55 «Эстрадада В. Винокур» Фильм-спектакль премьераси.

19.45 «Халқаро панорама». 20.30 «Саёҳатчилар клуби». 21.30 «Время». 22.05 Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. ГДРдан олиб кўрсатилади. 22.35 Тўпли хоккей бўйича жаҳон чемпионати. 1—2 ўринлар учун матч. Финляндиядан олиб кўрсатилади. 23.20 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!». 9.20 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.50 «Икки опа-сингил». Телевизион бадиий фильм. 10.55 «Қўшиқдан рақсга». ГДРдан олиб кўрсатилади. 11.25 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Соат занги чалиниб турар экан». 13.25 Г. Канчели 5-симфония. Д. Д. Шостакович номли Ленинград Давлат филармониясининг симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — СССР халқ артисти Ю. Симонов. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 13.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 14.50 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 2-гвардиячи армия ветеранларининг учрашуви. 16.15 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 16.45 Сузиш бўйича СССР чемпионати. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 17.30 «Стадион ҳамма учун». 18.00 Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 18.45 «Сарсонлик саргардонликда»». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Уруш». 19.55 Доғистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Оилавий тантана куни». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Қизил елканлар». Бадиий фильм. 11.35 «Тошкентнинг 2000 йиллигига» (рус.). 12.05 «Спортландия» — «Қувноқ стартлар». Белоруссия ва Ўзбекистон телевидениеларининг биргаликда тайёрлаган кўрсатуви. 13.25 «Кинопублицист экрани». Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган кўрсатув. 14.10 «Ўзбекистон спорти». 14.40 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.). 15.20 Реклама.

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Мультипанорама». 18.15 Болалар учун. «Ўйлаб топ?» (рус.). 18.45 «Цирк! Цирк! Цирк!». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион миниатюралар театри (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Бадиий фильм. 23.40 Тоғ-чанғи спорти бўйича «Дўстлик» халқаро мусобақалари. Чимёндан репортаж. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат. — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

12 ФЕВРАЛЬ, 1983 й. Р—02789. Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.